

Сабр. Хасталик



14:15 / 22.10.2018 4085

Кимки Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлмасликни ва раҳматига эришиб, жаннатига киришни истаса, нафсини дунёвий ҳою-ҳавасдан тийсин ва дунёнинг қийинчиликларига ҳамда мусибатларига чидаб, сабр қилсин! Бу борада Аллоҳ буюради:

“Аллоҳ мусибатларга чидаб сабр қилгувчиларни севади” (Оли Имрон сураси, 146-оятнинг сўнгги).

Сабр бир қатор ҳолларда зулумлидир.

1. Аллоҳга итоат қилишдаги сабр ва сабот.
2. Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилишдаги сабр ва сабот.

3. Мусибатларга ва, айниқса мусибатга дучор бўлган илк онларидаги сабр ва сабот.

Ким Аллоҳга итоат қилишда сабр ва саботли бўлса, Аллоҳ унга қиёмат куни жаннатда ҳар бири ер билан кўк орасича келадиган уч юз даража беради.

Яна, ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилишда сабр ва сабот кўрсатса, қиёмат куни У, унга олти юз даража беради. Ким дунёнинг машаққат ва мусибатларига чидаб, Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларига риоя қилса, У, жаннатда унга етти юз даража беради.

Ақлли мусулмонга ярашадиган энг тўғри ҳаракат, бу – ҳар не суратда бўлса ҳам дунёда мусибатларга сабр қилмоқ ва ўз ҳолидан шикоят қилмасликдир. Чунки мусибатларнинг энг даҳшатлисига пайғамбарлар ва авлиёлар маъруз қолганлар. Жунайд Бағдодий (машҳур мутасаввиф) – унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, дейди:

“Бало ва мусибат орифлар (донолар) учун қандил, Аллоҳ йўлини изловчилар учун омил, иймонлилар учун бир ислоҳчи, ғофиллар учун эса ўлим хабарчисидир. Киши мусибатга дучор бўлганда розилигини намоён этмагунча ва сабр қилмагунча **иймондан** маза топмайди”.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадилар:

– Кимки бир кеча хасталансаю, сабр қилса ва Аллоҳга шикоятчи бўлмаса, онасидан туғилган кундагидай гуноҳларидан фориғ бўлади. Эй умматим, хасталанган пайтингизда Аллоҳга шикоят қилувчи бўлманг!

Маоз ибн Жабалдан нақл этилган бир хабар бундайдир:

– Аллоҳнинг бир мўмин бандаси хасталикка мубтало бўлган чоғида, Аллоҳ гуноҳларини ёзиб борувчи фариштага амр беради:

“Торт қаламни унинг дафтаридан! Савобларни ёзувчи фариштага шундай буюради: – Бандам қилган амалларнинг энг чиройлиларини ёз!” Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган бошқа бир хабар қуйидагича:

– Бирон иймонли банда хасталанган пайтида Аллоҳ унга икки малак юбориб, «Қараб боқинглар-чи? Бандам нималар деяпти!» – дейди.

Агар банда: «Алҳамдулиллоҳ», – деса, Аллоҳ ўзи бундан воқиф бўлади, яна малаклар ҳам бу сўзни Раббига етказадилар. Шунда Аллоҳ буюради: **“Агар**

бандамни шу хасталик ҳолида ўлдирсам жаннатга қўяман. Агар шифо берсам зотини ва қонини покизароқ эт ва қонга айлантириб, гуноҳларини мағфират этаман!”

Ибн Ото дейди:

– Кишининг тўғри ё эгрилиги ва мўмин ё осийлига соғлик чоғида ва мусибат онда маълум бўлади. Агар соғ-саломат кунларида шукр қилсаю, мусибатга дучор бўлганида Аллоҳга қарши зорланаверса, у ғирт ёлғончилардандир. Агар бирон кимса катта олим бўлсаю, бошига андуҳ шамоллари тушганда, дучор бўлган шу балолар туфайли Аллоҳга қарши шикоятланса, унга на илми, на гўзал амаллари фойда беради.

Шунинг учун ҳам қудсий ҳадисда Аллоҳ буюради: **“Кимки менинг тақдиримга рози бўлмаса, бошига тушган кулфатлар туфайли шикоятланса, у ўзига Мендан бошқа илоҳ топиб олсин!”**

Абу Ҳомид Ғаззолий,

“Мукошафат-ул қулуб” асаридан